

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси
фанидан ҳуқуққа оид асосий
тушунчалар**

Х.Исанов

Масъул муҳаррир:

И.М.Мардонов
юридик фанлар номзоди,
доцент

Тақризчилар:

Ж.Қ.Раҳмонов
Навоий вилояти Адлия
бошқармаси бошлиғи
Д.Ж.Жўраева
НДКИ катта ўқитувчиси

*Навоий Давлат педагогика институти Ўқув-услубий
Кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилган.
(.... - сонли 2011 йилоктябрдаги мажлис баённомаси)*

Ушбу ўқув қўлланмасида "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" фанидан ҳуқуққа оид асосий тушунчалар талабаларга қисқа ва тушунарли тарзда баён қилиб берилган бўлиб, у талабаларнинг ҳуқуқ ҳақидаги билимларини шакллантиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.

© **Х.Исанов.** НДПИ нашриёти, 2011 й.

Кириш

Бугунги кунда шахс, жамият ва давлат ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқ нормаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ҳуқуқ нафақат давлат иродасини ифодалайдиган ва уни куч билан ҳимоя қиладиган умуммажбурий нормалар тизими, балки инсонларнинг асосий эҳтиёжлари ва манфаатларини таъминлайдиган, қафолатлайдиган асосий восита ҳамдир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир”¹. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун эса, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш зарур. Шу сабабдан ҳам ҳуқуққа оид бўлган асосий тушунчаларни ўрганиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини билиш таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсадларига эришиш учун ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш ишлари изчил амалга ошириб келинмоқда. Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири – бу жамиятда юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган шахсларни тарбиялаш бўлиб, бу таълим соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишини ташкил этмоғи лозим. Шу мақсадда ушбу ўқув қўлланмасида “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанидаги ҳуқуққа оид бўлган асосий тушунчалар ва атамаларнинг мазмуни юридик адабиётлардан фойдаланган ҳолда талабаларга тушунарли тилда баён қилиб берилган.

¹И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. -27-бет.

Ҳуқуқ тушунчаси


Ҳуқуқ - бу давлат иродасини ифодалайдиган, давлат томонидан маъқулланган ва ўрнатиладиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган тартиб қоидалар йиғиндисидир.

Ҳуқуқнинг моҳияти

Ҳуқуқнинг моҳияти деганда унинг мазмуни ва мақсади тушунилади.

Ҳуқуқнинг моҳиятига нисбатан фанда турли хил назариялар ва ҳуқуқ мактаблари мавжуд. Ҳуқуқ моҳияти ҳақидаги назариялар деганда, ҳуқуқнинг мазмуни ва мақсади ҳақидаги таълимотлар тушунилади.

1-схема



Ҳуқуқнинг белгилари

Ҳуқуқнинг асосий белгилари:

- умуммажбурий-норматив характерга эга;
- давлат билан узвий боғлиқ ва давлатнинг мажбурлов кучига таянади;
- аниқ ифодаланиш шаклига эга.

Ҳуқуқнинг тамойиллари

Ҳуқуқ тамойиллари - бу ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида моҳиятини ифодаловчи энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир.

Ҳуқуқ тамойиллари таъсир этиш доирасига кўра **умумҳуқуқий, соҳалараро** ва **соҳавий** тамойилларга бўлинади.

Умумҳуқуқий тамойиллар: адолатлилик, фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги, инсонпарварлик, қонунийлик, демократизм, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги ва бошқалар.

Соҳалараро тамойиллар: жавобгарликнинг муқаррарлиги, ошкоралик ва бошқалар.

Соҳавий тамойиллар: Масалан: фуқаролик ҳуқуқида мулкӣ муносабатларда томонларнинг тенглиги; жиноят жараёни ҳуқуқида айбсизлик презумцияси ва бошқалар.

Ҳуқуқнинг функциялари

Ҳуқуқнинг функциялари - бу жамиятда ижтимоий муносабатларга ва кишиларнинг юриш-туришларига ҳуқуқий таъсир қилишнинг асосий йўналишларидир.

Ҳуқуқ функцияларини икки хил нуқтаи-назардан, яъни **махсус юридик** (тор маънода) ва **умумижтимоий** (кенг маънода) таснифлаш мумкин.

1. Махсус юридик функциялар - тартибга солувчи (регулятив), **қўриқловчи**.

а) Тартибга солиш функцияси - бу шундай ҳуқуқий таъсир қилиш йўналиши бўлиб, унда жамият тараққиёти эҳтиёжларига мос келадиган ижтимоий муносабатлар амалда бўлиши таъминланади ва ривожлантирилади;

б) Қўриқловчи функцияси - бу ҳуқуқий таъсир қилишнинг йўналиши бўлиб, унда жамият учун ижобий бўлган ижтимоий муносабатлар қўриқланади, жамият учун зарарли ижтимоий муносабатлар эса чекланади.

2. Умумижтимоий функциялар орқали жамият ҳаётининг турли хил йўналишларида юзага келадиган ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир ўтказилади, яъни тартибга солинади.

Умумижтимоий функцияларга қуйидагилар киради:

иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, экологик ва бошқа функциялар.

Ҳуқуқнинг шакллари (манбалари)

Ҳуқуқнинг шакллари (манбалари) деганда ҳуқуқни ташқи ифода этилиш шакли тушунилади.

Ҳуқуқнинг қуйидаги шакллари (манбалари) мавжуд:

- ҳуқуқий одат;
- ҳуқуқий (суд ёки маъмурий) прецедент;
- норматив - ҳуқуқий актлар;
- норматив шартномалар.


а) **Ҳуқуқий одат** - узоқ давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қоидасидир.

б) **Ҳуқуқий прецедент** - суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, бу қарор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон нормадир.

в) **Норматив-ҳуқуқий актлар** давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларини тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий характердаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлиги актлари тушунилади.

г) **Норматив шартномалар** - икки ва ундан ортиқ мустақил ҳуқуқ ижодкорлари ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган битимлардир.

2-схема



Ҳуқуқ нормалари

1. Ҳуқуқ нормаси - бу давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган ҳамда қўриқланадиган умуммажбурий хатти-ҳаракат қондасидир.

2. Ҳуқуқ нормаси - бу давлат томонидан ўрнатиладиган ва маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш туриш қондасидир.

Ҳуқуқ нормасининг тузилиши:


- Гипотеза
- Диспозиция
- Санкция

Гипотезада ҳуқуқ нормасида белгиланадиган қоида қандай шароитда ва ҳолатда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Гипотеза ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қонданинг кучга кириши учун зарур бўлган конкрет аниқ ҳаётий ҳолатлар (воқеа, ҳаракат, ҳолатлар) ўзининг ифодасини топади.

Диспозиция ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари роя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қондаси ифодаланган бўлади.

Санкция диспозицияда кўрсатилган қондани бузган шахсга нисбатан давлат органи қўллаши мумкин бўлган таъсир чорасини белгилайди. Санкция ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган жазонинг ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади.

3-схема



Ҳуқуқ тизими

Ҳуқуқ тизими - бу ижтимоий муносабатларнинг характери билан боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, у ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларининг қатъий илмий изчилликда жойлашган тартибидир.

Ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмлари:

1. Ҳуқуқ нормаси
2. Ҳуқуқ институти
3. Ҳуқуқ соҳаси

Ҳуқуқ институти

Ҳуқуқ институти - бу ўзаро ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян тури ёки томонларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг йиғиндисидир.

Ҳуқуқ соҳаси

Ҳуқуқ соҳаси - бу ҳуқуқ тизимининг алоҳида мустақил қисми бўлиб, ўзаро ўхшаш (бир турдаги) ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Ҳуқуқий муносабатлар

Ҳуқуқий муносабатлар - шахслар ўртасидаги юридик алоқа бўлиб, бу уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади. Ўзаро ҳуқуқ ва бурчларсиз ҳуқуқий муносабат вужудга келмайди. Ҳуқуқий муносабатлар - бу ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бир қисми бўлиб, уларнинг субъектлари субъектив ҳуқуқ ва субъектив юридик мажбуриятларга эга бўлишади.



Ҳуқуқ субъектлари

Ҳуқуқ субъекти - бу қонунга биноан ҳуқуққа эга бўлиш ва зиммасига юридик мажбуриятларни олиш лаёқатига эга бўлган **жисмоний** ёки **юридик шахслар**дир.

Жисмоний шахслар - булар муайян давлат фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Юридик шахслар - қонун бўйича фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг субъекти бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар бўлиб, улар ўз мулкида, хўжалик юритишда ва оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати

Ҳуқуқ лаёқати - жисмоний шахс (фуқаро) ёки юридик шахснинг қонунда назарда тутилган ва йўл қўйилган ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда мажбуриятларни бажариш лаёқати (давлат томонидан эътироф этилади).

Ҳуқуқ лаёқати киши туғилганидан бошлаб, юридик шахсда эса унинг Низоми тасдиқланган пайтдан бошлаб пайдо бўлади.

Ҳуқуқ лаёқати - бу субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ҳуқуқнинг қонунда белгиланган (тан олинган) лаёқатидир ва субъектив ҳуқуқ мавжудлигининг ҳуқуқий заминидир.

Барча фуқаролар фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Муомала лаёқати - фуқаро ёки юридик шахснинг ўз ҳаракатлари билан ҳуқуққа эга бўлиш ва ўзи учун мажбуриятлар яратиш қобилияти.

Муомала лаёқати - бу шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишининг қонунда белгиланган (тан олинган) имкониятидир.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.


Субъектив ҳуқуқ

Субъектив ҳуқуқ - бу субъектнинг содир этиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракати тури ва ўлчовидир.

Субъектив юридик мажбурият - субъектнинг содир этиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракати тури ва ўлчовидир.

Юридик фактлар

Юридик фактлар деб ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи фактлар (ҳолатларга) айтилади.



Норматив-хуқуқий актларни тизимлаш

Норматив хуқуқий актларни тизимлаш - бу норматив-хуқуқий актларни тартибга солиш йўли билан муайян тизимга келтиришдир.

Норматив хуқуқий актларни тизимлаштиришнинг турлари:

инкорпорация, кодификация ва консолидация.

Инкорпорация - қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-хуқуқий мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритмасдан алфавит, хронологик, тематик ва бошқа тартибда тизимга солиб нашр этишдир.

Инкорпорациянинг қуйидаги турлари мавжуд: **расмий** ва **норасмий**.

1. **Расмий инкорпорация** қонунчилик актларини уларни чиқарган ва ваколат берилган органлар томонидан тўплам ва мажмуаларда тизимлаштиришдир;
2. **Норасмий инкорпорация** - бунда тўпламлар унга махсус ваколоти бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Кодификация - қонунлар ва бошқа норматив хуқуқий актларни кодекслар чиқариш йўли билан тизимга солишдир, яъни бу норматив актларни уларнинг мазмунига ўзгартириш киритиш орқали мантикий асосда ягона норматив актга тизимлаштиришдир. Кодификация қилиш жараёнида эскирган нормалар тугатилади, бутун нормалардаги қарама қаршилик бартараф этилади, хуқуқий бўшлиқлар тўлдирилади.

Консолидация - бу тизимлашнинг шундай шаклидирки, бунда норматив-хуқуқий актларнинг мазмунига ўзгартиришлар киритилмайди, лекин бу нормалар мустақил юридик акт сифатида ўзининг кучини йўқотади.

Ҳуқуқий онг


Ҳуқуқий онг - бу ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлиб, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка ва ҳуқуқ тартиботга нисбатан бўлган ғоялар, хис туйғулар, тасаввурлар йиғиндисидир.

Ҳуқуқий онг икки асосий элементдан ташкил топган: **ҳуқуқий руҳият** (психология) ва **ҳуқуқий мафкура** (идеология).

Ҳуқуқий руҳият - алоҳида ижтимоий гуруҳ, шахс ёки бутун жамиятда стихияли равишда вужудга келадиган ҳуқуқий туйғулар, хиссиётлар, кайфиятлар, фикрлар йиғиндисидан иборатдир.


Ҳуқуқий мафкура - бу синфнинг, жамиятнинг ҳуқуқий қарашлари, ғоялари, тасаввурлари ва талабларининг илмий тизимлаштирилган ифодасидир.

6-схема



Ҳуқуқий маданият

Ҳуқуқий маданият - бу кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишдир.



Хуқуқий тарбия

Хуқуқий тарбия - бу жамият аъзоларининг юриш-туриш маданиятига ва онгига ҳуқуқ ҳақидаги билимларни доимий равишда ҳамда мақсадга мувофиқ таъсир этиш орқали сингдириб бориш жараёнидир.

Хуқуқ ижодкорлиги

Хуқуқ ижодкорлиги -бу ваколатли давлат органларининг норматив-хуқуқий актларини яратиш, уларга ўзгартириш киритиш ёки уларни бекор қилишга қаратилган фаолиятидир.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг босқичлари:

- а) қонунчилик ташаббуси;
- б) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;
- в) қонунни қабул қилиш;
- г) қонунни эълон қилиш.

Хуқуқни тадбиқ этиш

Хуқуқни тадбиқ этиш - бу юридик жиҳатдан давлат томонидан мустаҳкамланган ва қафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолияти ҳамда ҳаётига тадбиқ этилишидир.

Хуқуқ нормаларини амалга ошириш шакллари куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Хуқуқ нормасига риоя қилиш;
2. Хуқуқ нормасини бажариш;
3. Хуқуқ нормасидан фойдаланиш;
4. Хуқуқ нормасини қўллаш.

Ҳуқуқни қўллаш

Ҳуқуқни қўллаш - муайян юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан индивидуал характерга эга бўлган қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ ҳокимлик фаолиятидир.

Ҳуқуқни қўллашнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

1. Давлат ҳокимияти функциясини қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
2. Индивидуал характерга эга;
3. Муайян ҳуқуқий оқибатларни - субъектив ҳуқуқ, мажбуриятлар, жавобгарликни ўрнатишга йўналтирилган бўлади;
4. Махсус белгиланган процессуал шаклларда амалга оширилади;
5. Индивидуал характерга эга бўлган юридик қарор чиқариш билан якунланади.

Ҳуқуқни қўллашнинг босқичлари:

1. Қўрилаётган юридик ишнинг фактик асосини ўрнатиш;
2. Қўрилаётган ишнинг юридик асосини ўрнатиш (тегишли ҳуқуқ нормасини танлаш ва унинг маъноси ва мазмунини аниқлаш);
3. Шу юридик иш бўйича ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш;

Ҳуқуқни қўллаш актларининг турлари:

- парламент актлари;
- давлат бошлиғи актлари;
- ижро ҳокимияти органларининг актлари;
- суд ҳокимияти органларининг актлари;
- маҳаллий вакиллик ҳокимият (ўз-ўзини бошқариш) органларининг актлари;
- корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг актлари.

Ҳуқуқни қўллаш акти

Ҳуқуқни қўллаш акти - бу муайян юридик иш бўйича муайян шахс(лар)нинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва уларнинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва ҳуқуқ нормаларига асосланиб ваколатли ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актдир.

Ҳуқуқни қўллаш актлари **асослантирилганлик, қонунийлик** ва **мақсадга мувофиқлик** тамойиллари талабларига жавоб бериши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш актлари қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилади. Бундан эса уларнинг давлат ҳокимият характерига эга эканлиги келиб чиқади.
2. Бу актлар қатъий индивидуаллашган бўлиб, улар конкрет шахслар ва ҳодисаларга нисбатан бўлади.
3. Бу актларнинг бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади.

4. Ҳуқуқни қўллаш актлари бир марта қўлланилади, шунинг билан у ўз вазифасини тамомлайди, яъни у ўз кучини йўқотади.


Ҳуқуқий хулқ-атвор

Ҳуқуқий хулқ-атвор - бу ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқ субъектларининг онгли равишдаги хулқидир.

Ҳуқуқий хулқ-атворни бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин:


1. Фаол (актив) ҳуқуқий хулқ-атвор;
2. Одатдаги ҳуқуқий хулқ-атвор;
3. Суст (пассив) ҳуқуқий хулқ-атвор.

8-схема



Ҳуқуқбузарлик

9-схема



Ҳуқуқбузарлик тушунчаси

Ҳуқуқбузарлик - бу ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари:

1. Жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли характерга эга;
2. Ҳуқуққа қарши характерга эга;
3. Бу айбли қилмишдир;
4. Фақат кишилар томонидан содир қилинади;
5. Кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда улар томонидан ихтиёрий амалга оширилади ва ҳаказо.

Ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги турлари мавжуд: **жиноят** ва **ножўя иш**.

Юридик жавобгарлик

Юридик жавобгарлик - бу ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳ.) маҳрум этилади.

Ҳуқуқ бузилишининг турларига мувофиқ юридик жавобгарлик қуйидаги турларга бўлинади: жиноий-ҳуқуқӣ, фуқаролик-ҳуқуқӣ, маъмурий-ҳуқуқӣ, интизомӣ-ҳуқуқӣ.

Юридик жавобгарликнинг тамойиллари: қонунийлик, мақсадга мувофиқлилик, ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги, индивидуаллик ва бошқалар.

Айбсизлик презумпцияси - гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айибдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Қонунийлик

Қонунийлик - бу ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва қонун ости актларига тўла ва аниқ амал қилинишидир.

Қонунийлик тамойиллари:

1. Конституция ва қонунларнинг бошқа ҳуқуқӣ актларга нисбатан устуворлиги;
2. Ҳуқуқ субъектларининг қонун ва суд олдидаги тенглиги;
3. Ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўйилмаслиги;
4. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланганлиги;

5. Норматив ҳуқуқий актларни мамлакатнинг бутун ҳудудида бир хил қўлланилиши ва талқин этилиши;
6. Мақсадга мувофиқликнинг қонунийликка қарши қўйилмаслиги;
7. Қонунийликнинг маданият билан узвий боғлиқлиги ва бошқалар.

Ҳуқуқий-тартибот

Ҳуқуқий-тартибот - бу ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқ риоя қилишлари натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Ҳуқуқий-тартиботнинг хусусиятларига қуйидагилар киради:

1. У ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган бўлади;
2. Муайян ҳуқуқ нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида юзага келади;
3. Давлат томонидан таъминланади;
4. Кишиларнинг ҳаётини енгиллаштириб, уларнинг янада эркин бўлишлари ҳамда ижтимоий муносабатларни ташкилий жихатдан юзага келиши ва амалда бўлиши учун шарт-шароит яратади;
5. Қонунийликнинг натижаси сифатида юзага келади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми - жамиятдаги турли туман ижтимоий муносабатларга мунтазам равишда муайян кетма-кетликда ҳуқуқий таъсир этиш жараёнидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми элементлари:

1. Ҳуқуқий нормалар;
2. Ҳуқуқий муносабатлар;
3. Индивидуал ҳуқуқий актлар;
4. Ҳуқуқий ҳулқ;
5. Ҳуқуқий онг.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ижтимоий муносабатларни қоидага солувчи (регламентация қилувчи) юридик нормаларнинг яратилиш босқичи;
2. Ҳуқуқий норма асосида конкрет субъектларда ҳуқуқ ва бурчлар келиб чиққан ҳолда юридик норманинг амал қилиш босқичи;
3. Юридик нормада назарда тутилган ҳолатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келганда субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишдир.

Ҳуқуқни шарҳлаш

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш - бу ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқлаш ва тушунтириш борасидаги фаолиятдир.

Ҳуқуқ нормалари уларнинг моҳияти ва мазмунини аниқлаш, тушунтиришга ҳамда ҳуқуқ нормасининг ҳажмига кўра таснифланади.

10-схема



Ҳуқуқ ва қонун аналогияси

Ҳуқуқ аналогияси - бу муайян ишни ҳуқуқнинг умумий тамойиллари ва моҳиятига асосланиб кўриб чиқиш ва ҳал қилишдир.

Қонун аналогияси - қонун чиқарувчи орган томонидан айрим ҳодисаларни қонунда бевосита кўрсатилганлиги, лекин у ҳодиса ўзининг аломатлари билан қонунда кўрсатилган ҳаракатларга аналогик (ўхшаш) бўлганлиги туфайли қонуннинг мазкур ҳодисага ҳам тааллуқлилигидан иборатдир.

Ҳуқуқий бўшлиқ (пробел)

Ҳуқуқий бўшлиқ - бу ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши зарур бўлган ишлар бўйича амалдаги қонунчиликда ҳуқуқ нормаларининг қисман ёки тўлиқ мавжуд эмаслигидир.

Ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш усуллари:

1. Янги норматив ҳуқуқий актларни яратиш;
2. Ҳуқуқ ёки қонун анологиясини қўллаш.

Ҳуқуқдаги зиддият (коллизия)

Ҳуқуқдаги зиддият (коллизия) - бу бир хил ёки ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи турли ҳуқуқий актлар ўртасидаги зиддиятдир.

Қонунчилик тушунчаси

"Қонунчилик" термини икки хил маънода тушунилади:

1. **Қонунчилик** - бу давлат ҳокимияти органи томонидан қонунлар чиқаришга қаратилган ўз функциясини амалга ошириш усули;
2. **Қонунчилик (кенг маънода)** - бу мамлакатда амал қилувчи барча норматив-ҳуқуқий актларнинг йиғиндиси;
3. **Қонунчилик (тор маънода)** - бу фақатгина амалдаги қонун ҳужжатлари йиғиндиси.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми

Шахснинг ҳуқуқий мақоми - бу шахсларнинг жамият ва давлат билан ўзаро муносабатларини белгиловчи ва ифодаловчи ҳуқуқий ҳолатдир.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми элементлари:

1. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар;
2. Қонуний манфаатлар;
3. Ҳуқуқ субъекти бўлиш;
4. Фуқаролик;
5. Юридик жавобгарлик;
6. Ҳуқуқий тамойиллар.

Ҳуқуқий ворислик

Ҳуқуқий ворислик - бу бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида) қайта

ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатиға мувофиқ янгидан ташкил этилган юридик шахса ўтиши.

Ҳуқуқий ёрдам

Ҳуқуқий ёрдам – бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериш.

Ҳуқуқий давлат

Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари иши самарали бўлган, ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлат.

Ҳуқуқий идеализм

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқни ҳаддан ташқари юксак баҳолаш, идеаллаштириш. Бу ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир.

Ҳуқуқий мақом

Ҳуқуқий мақом – шахсларнинг жамият ва давлат билан ўзаро муносабатларини белгиловчи ва ифодаловчи ҳуқуқий ҳолати. Яъни, шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбурияти ва жавобгарликлари йиғиндиси тушунилади.

Ҳуқуқий нигилизм

Ҳуқуқий нигилизм - бу ҳуқуқ субъектлари томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслик ёки инкор қилишдир.

Ҳуқуқий нигилизм қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- **назарий шакли** (олимлар, мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқни инкор қилиниши).
- **амалий шакли** (фаол ва суст (пассив)).

- а) **Фаол ҳуқуқий нигилизм** - ижтимоий муносабатларда ҳуқуқни очикдан очик инкор қилиш;
- б) **Суст ҳуқуқий нигилизм** - жамиятдаги кишилар томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслик.

Ҳуқуқий тизим тушунчаси

Ҳуқуқий тизим - жамиятда амалда бўлган ҳуқуқ тизимини, юридик фани, ҳуқуқ тушунчаларини, ҳуқуқий муносабатларни, ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий амалиётни ва юридик техникани ўз ичига қамраб олувчи, у ёки бу мамлакатни ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада ривожланганлигини билдирувчи тизимдир.

Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари ва оилалари:

1. Умумий (англо-саксон) ҳуқуқ оиласи;
2. Қитъа (романо-герман) ҳуқуқ оиласи;
3. Социалистик ҳуқуқ оиласи;
4. Мусулмон ҳуқуқ оиласи;
5. Хинд ҳуқуқ оиласи;
6. Скандинавия ҳуқуқий тизимлари;
7. Узоқ шарқ ҳуқуқий тизимлари;
8. Аралаш ҳуқуқий тизимлар.

Юридик амалиёт

Юридик амалиёт - бу ваколатли ҳуқуқ субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий тажрибага таянган ҳолда, ҳуқуқни қабул қилиш, уни шарҳлаш ва қўллашга қаратилган фаолиятдир.

Юридик техника

Юридик техника - бу норматив-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, эълон қилиш ва тизимлаш билан боғлиқ қоидалар йиғиндиси.

Ҳуқуқий дунёқараш

Ҳуқуқий дунёқараш - бу жамиятда кишилар томонидан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бош ролни ҳуқуқ бажаради деб тан олинишидир.

Ҳуқуқий имтиёз

Ҳуқуқий имтиёз – субъектга ўз манфаатларини тўлароқ қондириш имконини берувчи ва қўшимча, алоҳида ҳуқуқлар (афзалликлар) беришда ёки мажбуриятлардан озод қилишда ифодаланувчи субъект ҳолатини қонуний равишда енгиллаштириш.

Ҳуқуқ фалсафаси

Ҳуқуқий фалсафаси – ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликнинг энг умумий назарий-дунёкараш муаммолари ҳақидаги фан.

Ҳуқуқшунос (юрист)

Ҳуқуқшунос – юридик фан ёки юридик амалиётнинг муайян соҳаси бўйича мутахассис, яъни юридик маълумотга эга бўлган ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатувчи шахс.

Юриспруденция

Юриспруденция – юридик фанлар ва юридик амалиётларнинг, шунингдек юридик предметлар ва асосий тушунчаларнинг ягона тизими.

Фойдаланилган адабиётлар

1. З.М. Исломов "Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар" Давлат назарияси -Т.: 2000.
2. А.Х.Саидов, У.Таджиханов. "Давлат ва ҳуқуқ назарияси", 1-2 жилд - Т.:Адолат, 2001.
3. З.М. Исломов "Давлат ва ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2007.
4. А.Х. Саидов, У.Таджиханов. "Ҳуқуқий маданият назарияси" 1-2. том.-Т.: 1998 й.
5. Н.Сабуrow. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Ўқув-услубий қўлланма.ТДЮИ, 2005.
6. М.Нажимов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Ўқув-услубий қўлланма.ТДЮИ, 2007.
7. "Теория государства и права". Курс лекций. (под.ред. Н.И.Матузов, А.В.Малько). М.1999 г.
8. Теория государства и права. Схемы и комментарии. М.: 2000 г.
9. Юридик энциклопедия.-Т.: Шарқ, 2001.
10. Ўзбекистон юридик энциклопедияси.-Т.: Адолат, 2009.

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Х.Исанов

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси
фанидан ҳуқуққа оид асосий
тушунчалар**

Мухаррир

Дилшода Воҳидова

Техник муҳаррир

Мирзоҳид Норқобилов

Босишга рухсат этилди: "___" _____ 2011 й.
Қоғоз бичими 84x108 1/4. Босма табоғи 1,2 Адади 300 нусха.
_____ - буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

НДПИ кичик босмахонаси.
706800, Навоий шаҳри, И.Сино кўчаси-45.